

Айбдор асоссиз равишда ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2005 йил 23 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2005 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, Д. Жиноят кодексининг 118-моддаси 4-қисми билан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Жиноят кодексининг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д. мастлик ҳолатида вояга етмаган Х.га зўрлик ишлатиб, ўлдириш билан қўрқитиб, унинг номусига текканликда айбдор деб топилган.

Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисмига биноан, илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун 5 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан яна ўта оғир жиноят содир этилиши ушбу шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга асос бўлади.

Бироқ, суд Д.ни ўта хавфли рецидивист деб топишда қайд этилган қонун нормасини нотўғри қўллаб, хатоликка йўл қўйган.

Иш материалларига қараганда, Д. мукаддам бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, талончилик қилганлиги учун 1993 йил 22 июлда Жиноят кодексининг (1959 йил таҳриридаги) 126-моддаси 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган бўлиб, ушбу жиноят оғир жиноятлар туркумига кирган.

Жиноят кодексининг 15-моддаси талабига кўра, амалдаги Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, талончилик қилиш жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланиб, шахснинг ҳолатини ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 6 мартдаги ажрими билан Д.га нисбатан чиқарилган суд қарорларининг уни ўта хавфли рецидивист деб топишга оид қисми бекор қилиниб, унинг жазо ўташ тури махсус тартибли колониялардан қаттиқ тартибли колонияларга алмаштирилди.

ЖСХ 5-61-14 назорат иши